# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 28-SENTABR, JUMA, 114 (8039)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




— Ҳосилнинг етиштирилгани эмас, хирмондагиси ҳисоб, — дейди фермер Икром Қоратоев. — Ишчиларимиз, қолаверса, йиғим-терим отрядларининг фаол меҳнати билан 25 гектар майдоннинг ҳар гектаридан биринчи теримда 48 центнердан юқори навли ҳосил йиғиб олиб, шартномавий режани ошириб бажардик. Эндиликда теримни сусайтирмай 50 центнерлик марради эгаллаш учун курашяпмиз.



Республикамизда истиқболли тармоқларни ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида ўтган йили "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси Наманган вилояти филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган эди. Косонсой туманида жойлашган мазкур ёрдамчи хўжалик қисқа вақт ичида ўзини ҳар тарафлама тиклаб олди.



Мунтазам сут истеъмол қилиш болаларнинг саломатлиги, фанларни ўзлаштириши, физиологик, психологик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, бошланғич синфлардаги болалар истеъмол қиладиган сутнинг сифатли, ишончли, экологик тоза ва хавфсиз бўлиши жуда муҳимдир.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Курбонова Муҳаббат Жабборовна** — Шеробод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Сейтимбетова Несебели Айтековна** — Нукус политехника касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Абдуллаева Тайифа Эргашевна** — Наманган шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Жомуродов Қорёғди Самадович** — Жондор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Муҳамадкулова Улбўсин Эрбўтаевна** — Зарбдор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Абдуллаева Латефат Музуровна** — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи тарбиячиси

**Абдуллаева Фаридахон Хомидовна** — Избоскан туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Азимбаева Нигора Муратовна** — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

**Ашуров Бахтиёр Темирович** — Қарши саноат касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Жабборов Рустам Рахимович** — Шовот маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Кенджаев Шавкат Иргашевич** — Чилонзор туманидаги 173-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Маматов Кайим Азимович** — Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Пулатова Азадахон Хошимовна** — Қува туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика ва акробатика бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Рахмонов Исломжон Абдулазизович** — Оққўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Санаева Махсуда Халикуловна** — Сирдарё вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази директори

**Турсунова Мохира Дўстқобиловна** — Нурота туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

**Поливанова Людмила Геннадьевна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўлими мураббийи

***Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бахриева Дилором Муртозоқуловна** — Касби туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Зияев Рихсибай Каюмович** — Қибрай туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Каримова Малика Мирзабдулаевна** — Юнусобод туманидаги 235-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Артикова Наиля Александровна** — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли бош балетмейстери, Тошкент шаҳри

**Бозоров Абдуқаюм Каримович** — Баликчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Қобилова Бахти Нормуратовна** — Жиззах шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Мирзаев Рустам Абраимович** — Каттақўрғон туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Мирзаев Хасанбай Номирзаевич** — Норин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Мустанова Нодира Гайбуллаевна** — Шарғун қурилиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Низамова Тожинар Артикбаевна** — Гулистон шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Нурматова Зулхумор Хакимовна** — Олтиариқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Рахманов Хайитбай** — Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Сметова Злиха Кошкинбаевна** — Шуманай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султанова Наргиза Таджикуловна** — Ангрен тиббиёт коллежининг физика ва астрономия фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Тиллаев Қаҳрамон Мухаммадиевич** — Шофиркон маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хамроев Ражаббой Қўлдошович** — Навбаҳор саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Шодиева Феруза Арабовна** — Косон туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

**II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бадалов Шавкат Азимович** — Жиззах туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

**(Давоми 2-саҳифада)**

## 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни




## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ҲИКМАТ КЎП

### – ДЕЙДИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» УНВОНИ СОҲИБИ ГУЛОЙИМ ЖАЛЛИЕВА

**Ўқитувчилик – энг улуғ ва мўътабар касблардан бири. Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор туфайли бу шарафли касб янада қадр топди. Президентимиз ташаббуси билан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.**

Ана шу байрам арафасида Олот туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулойим Жаллиева билан суҳбатлашмоқ ниятида у фаолият юритаётган таълим даргоҳига бордик.

Гулойим Жаллиева қишлоқ мактаби муаллимаси. Бошланғич таълим ўқитувчиси. Яъни, эндигина билим даргоҳига келган болажонларга "ҳарфларни ранж ила ўргатмоқ" – унинг вазифаси. У бу жараёнда илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг татбиқ этмоқда. Ўқувчилари қалбига илм зиёсини таратиш борасида тиним билмайди. Ўз устида доим изланади. Унинг қўлида алифбо сабоғини олган минглаб ёшлар бугун ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топиб, турли жабҳаларда меҳнат қилаётир.

Гулойим Жаллиеванинг фидойилиги эса мудом эътироф этиб келинаётир. У "Шуҳрат" медали, "Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирланган эди. Истиқлолимизнинг йигирма бир йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг Фармони билан унга "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвони берилди.

Бу эътибор, шароит ва имконият устозни янада фаол ва изланувчан бўлишга, ўз касбига кўпроқ меҳр қўйишга ундади.

– Менинг камтарона меҳнатим юксак унвонга лойиқ топилгани таълим соҳаси ходимлари меҳнатига берилган улкан баҳо деб биламан, – дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Гулойим Жаллиева. – Бугун мустақиллик шарофати билан юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини кўриб, йигирма етти йил аввал педагоглик фаолиятимни бошлаган кезларим кўз ўнгимдан ўтади. Чунки бугунги замонавий мактабларимиз, муҳташам коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳларини, ёшларнинг билими, теран тафаккур тарзини ўша даврлардаги ҳолат билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Синфхоналар талабга жавоб бермасди, битта дарсликдан кези келганда, учтўрт ўқувчи фойдаланиши, болаларнинг чанг-тўзон, лой кечиб жисмоний тарбия дарсларида қатнашиши... Буларнинг барчаси кечагидек кўз ўнгимда. Ҳозирда спорт зали бўлмаган мактабнинг ўзи йўқ.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## «The Baltic Course»: «ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ РИВОЖИГА УСТУВОР ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА»

**Хорижий оммавий ахборот воситаларида шу йил 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда.**
**Қуйида Болтиқбўйи халқаро академияси профессори, иқтисод фанлари доктори Ольга ПАВУКнинг «Балтийский курс»/«The Baltic Course» халқаро журналида чоп этилган мақоласи айрим қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда:**

«Ўзбекистон бутун дунёга иқтисодиётида эришаётган ютуқларини кенг намойиш этмоқда. Ўтган ҳафта Тошкентта «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун дунёнинг 50 давлатидан уч юздан ортиқ хорижлик меҳмон ташриф буюрди. Форумда қарийб мингга яқин киши қатнашди.

Президент Ислом Каримовнинг янги Симпозиумлар саройида ўтган форумнинг ялпи мажлисида иштирок этгани конференциянинг нуфузини янада оширди.

Сўнгги уч йилда «Балтийский курс»/«The Baltic Course» журнали Тошкентда ўтган халқаро конференцияларда уч марта қатнашди. Ўзбекистоннинг фахрланса арзигулик ютуқларини яхши биламиз. Ўзбекистон – иқтисодиёти энг мураккаб глобал молиявий-иқтисодий инқироз йилларида ҳам барқарор ўсаётган, яъни сўнгги йилларда юксалиш ҳажми йилига камида 8 фоизни ташкил этаётган дунёдаги камсонли мамлакатлардан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро институтлар вакиллари Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш соҳасида эришилаётган ютуқларни юксак баҳоламоқда. Мамлакатдаги ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи ушбу соҳа томонидан ишлаб чиқарилмоқда ва ишлаётган жами иқтисодий фаол аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Президент Ислом Каримов ялпи мажлисдаги нутқида шундай маълумотларни келтирди: агар 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Конференция давомида хорижий делегациялар Самарқанд ва Бухорога ташриф буюриб, кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликларни бориб кўрди ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва кичик корхоналар фаолияти билан танишди. Кичик ва микро корхоналар фаолияти катта самаралар бераётганини сайёҳлик манзиллари билан танишиш асносида ҳам сезиш ва кўриш қийин эмас. Кўплаб ҳунармандлар сайёҳларга ўз ижоди намуналарини таклиф этмоқда ва бу кичик бизнеснинг бир кўриниши, холос. Ваҳоланки, 20 йил аввал бу ҳақда ҳатто гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шунингдек, мазкур шаҳарларда фаолият кўрсатаётган кўплаб меҳмонхоналар, ресторан ва кафелар ҳам микро ва кичик корхоналар сирасига киради.

**(Давоми 2-саҳифада)**

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

AGROBANK

Бугунги кунда аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш, турмуш тарзини юксалтириш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларига Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг Қарори билан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши бунинг яққол исботидир.

# ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ



Ушбу дастурда ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш масалалари кўрсатиб ўтилган.

Оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг даромадларини ошириш каби масалаларни банкларнинг молиявий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ деб топилиб, бугунги кунда тижорат банклари томонидан аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилаётган кредитлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

### ДАСТУР ИЖРОСИ АМАЛДА

Қабул қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида “Агробанк” ОАТБ жамоаси томонидан ҳам жорий йилнинг ўтган даври давомида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолини, айниқса, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, касб ҳунар-коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг турмуш шароитини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Дастур доирасида жорий йилнинг ўтган даврида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 29 миллиард 346 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 16 миллиард 9 миллион сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди.




Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун 5 миллиард 326 миллион сўм кредитлар ажратилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, ёш оилаларга, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун микрокредитлар ва грантлар тақдим этилди. Бу имтиёз ва имониятлардан унумли фойдаланиб, ўз оиласига барака киритаётган тадбиркорлар кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 3 миллиард 159 миллион сўмлик бизнес-лойиҳалари молиялаштирилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 апрелда қабул қилинган “Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоиз ставкаларда, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга, соддалаштирилган механизм асосида микрокредитлар ажратилиб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан квартиралар умумий қийматининг 75 фоизи миқдоридаги ипотека кредитлари эҳтиёжманд ёш оилаларга 15 йил муддатга, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида уч йиллик имтиёзли давр билан берилиши ёш оилалар учун жуда ҳам қулай имкониятлар яратмоқда.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оилаларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ва ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини ошириш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 28-29 август кунлари банк томонидан “Энг намунали мустаҳкам оила” кўрик-танлови ўтказилди ва танлов иштирокчилари муносиб тақдирланди.




### БОЗОРЛАР — ЮРТ КЎЗГУСИ

Бугунги кунда дунёнинг баъзи давлатларида озиқ-овқат танқислиги ўткирлашиб бораётган бир пайтда юртимиз бозорларида қишин-ёзин сархил мева-сабзавотлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминланишига эришилмоқда.



Бу миришкор деҳқонларимиз меҳнати ҳамда республикамизда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасидир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтаётир.

“Агробанк” томонидан ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Яъни жорий йилда айнан шундай мақсадларга 8 мингдан ортиқ лойиҳа бўйича қарийб 91 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлашга қаратилган лойиҳалар учун 20,2 миллиард сўм ажратилди.

Шунингдек, ҳудудларда интенсив боғлар ва узумзорларни ташкил этишга 11,1 миллиард сўм, иссиқхоналарни ривожлантиришга 6,7 миллиард сўм ҳамда аҳолининг полиз ва сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун 7,3 миллиард сўмлик маблағлар йўналтирилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларга асосан 71 та ёпиқ совиткичли сиғимлар қуриш учун 14,1 миллиард сўм банк маблағлари ажратилди. Натижада 23,7 минг тонна ҳажмдаги маҳсулот сақлашга мўлжалланган сиғимлар ишга туширилди.

Юртбошимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида кўплаб деҳқон ва фермер хўжаликларига наслли чорва моллари сотиб олиш учун сармоялар йўналтирилди.

Молия муассасаси томонидан ишбилармонларнинг чорвачиликдаги 17,6 миллиард сўмлик, паррандачиликдаги 6 миллиард сўмлик, балиқчилик ва асаларичиликдаги 2,7 миллиард сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Чунки мазкур ҳаётбахш ҳужжатларда қишлоқ жойларда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, аҳолининг деҳқончилик маданиятини юксалтириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда даромадларини ошириш сингари устувор вазифалар белгилаб берилган. Бундай эътибор ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳам оиласига, ҳам маҳалласига наф келтираётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бунда томорқа муҳим даромад манбаига айланаётгани, айниқса, эътиборга молик. Шу боис, банкда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, деҳқончилик учун экин уруғлари, мевали дарахт кўчатлари ҳамда зарур кимёвий воситалар етказиб бериш ишлари тизимли ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, “Агробанк” ОАТБ томонидан аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар боис кўплаб ёш оилаларнинг турмуш шароитлари яхшиланиб бормоқда. Бозорларимиз эса қишин-ёзин озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўкинлиги таъминланишига эришилмоқда. Энг муҳими, йигит-қизларимиз ўзларининг муқим иш жойларига эга бўлишмоқда. Бу каби эзгу мақсадлар йўлидаги ишлар банк фаолиятининг асосий мақсади бўлиб қолаверади.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Наманган Вилояти

# ГАЗЧИЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИ

## ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА

**Республикамизда истиқболли тармоқларни ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида ўтган йили “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси томонидан “Водийгазтаъминот” унитар корхонаси Наманган вилояти филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган эди. Косонсой туманида жойлашган мазкур ёрдамчи хўжалик қисқа вақт ичида ўзини ҳар тарафлама тиклаб олди.**



Яқинда Косонсой ҳамда Янгиқўрғон туманларида бўлиб, вилоят газчилари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида амалга оширилган ишлар билан танишиб қайтдик.

— Айни кунларда чорвачилик фермамизда 49 бош қорамол, уч минг бош “Ломанн-браун” зотли паррандалар парваришланмоқда, — дейди биз билан суҳбатда ферма мудири Қосимжон Шарипов. — Қорамолларнинг 26 боши наслли сигирлар бўлиб, улардан кунига ўрта ҳисобда 12-16 литрдан сут соғиб олинмоқда. Чорвадорлар орасида “Сигирларнинг сути тилида” деган ибора бор. Шу ҳикматнинг мағзини чақиб, чорва учун мустаҳкам озуқа базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кунига ҳар бир молга белгиланган миқдордаги рацион асосида омихта ем ва тўйимли озуқа берилаётгани боис, бу борадаги кўрсаткичларимиз яхшиланиб бораётир. Хусусан, жорий йил режасига кўра 21 бош ўрнига 23 бош соғлом бузоқ олишга эришилди. Шунингдек, қорамолларнинг 70 фоизидан яна учтўрт ойдан кейин соғлом бузоқ олиниши режалаштирилган. Бундан ташқари, жорий йил якунигача 80 тонна сут олиш кўзда тутилган. Бу борада сут соғувчи Холбу Охунжонова, молбоқарлар Рустамжон ва Убайдулло Қирғизовларнинг меҳнатларини алоҳида тилга олиш мумкин.



Ёрдамчи хўжаликнинг умумий ер майдони икки гектар бўлиб, бу ерда ишчи-хизматчилар учун яратилган қулай шароит эътиборимизни тортди. Дам олиш хоналари барча зарурий жиҳозлар билан таъминланган. Чорвадорлар учун замонавий ювиниш хонаси ҳам бунёд этилган. Ошхонада тайёрланган мазали таом ва тандирда қизариб пишаётган иссиқ нонлар чорвадорлар дастурхонидан узилмайди.

Ёрдамчи хўжаликда парваришланаётган соғин сигир, новвос, ғунажин ва бузоқчалар учун алоҳида ёзги молхоналар қурилган, сунъий қочириш пункти ташкил этилган. Айниқса, қишлов учун ҳозирданоқ мустаҳкам озуқа базаси яратилганлиги назаримиздан четда қолмади.

Паррандачилик етти хазинанинг бири ҳисобланади. Буни ёрдамчи хўжалик ишчилари Равшанбек Сангинов билан Зоҳиджон Қаюмов жуда яхши билишади. Шу боис, улар ўз ишларига сидқидилдан ёндашиб, товуқ боқишнинг нозик ва мураккаб қирраларини пухта ўзлаштириб олишган.

— Наслли товуқларга белгиланган миқдордаги озуқа-емини беришдан ташқари, — дейди Равшанбек Сангинов, — бир кеча-кундузда ўн саккиз соат электр ёруғлиги талаб этилади. Масаланинг мана шу жиҳати эътиборга олиниб, муқобил электр энергияси ҳосил қилиш техникасининг олиб келтирилганлиги ишимизда қўл келаётир. Бундай қулайлик йил якунигача бир миллион дона тухум етиштириш имкониятини беради.



Наманган вилояти газчилари Мингбулоқ туманида 9,8 гектар майдонда сунъий кўл яратиб, балиқчилик хўжалигини ташкил этиш ишларини ўз ниҳоясига етказишмоқда. Шунингдек, асаларичилик соҳасида ҳам муайян ишларга қўл урилиб, амалдаги йилда 600 килограмм шифобахш неъмат етиштириш кўзда тутилган.

— Шу йилдан бошлаб Янгиқўрғон туманида 15 гектар майдонда мевали боғ яратишга киришилди, — дейди “Водийгазтаъминот” унитар корхонаси Наманган вилояти филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Элмурод Аҳмедов. — Янгидан яратилажак боғроғлар учун Искавот қишлоғи этагидаги экин майдонлари ажратиб берилди. Майдонларни муттасил равишда сув билан таъминлаш мақсадида бир километр масофадан электр тармоқлари тортилиб, “ТП-160 квТ” кучланишга эга бўлган трансформатор ўрнатдик. Тик қудуқ қазилиб, 150 метр чуқурликдан сув чиқариб олинди. Кези келганда, шуни эътироф этиш жоизки, барча эзгу ишларимиз учун “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси томонидан катта миқдорда моддий ва маънавий ёрдам берилди. Бевосита уларнинг кўмаги билан жорий йилда ўн гектар жойда олма, шафтоли, гилос, олхўри ниҳоллари ўтқазилди. Бундай ишлар келгуси йилларда ҳам давом эттирилади.

— Боғ ишларига тажрибали боғбонларни жалб этганмиз, — дейди Обиджон Мелихўжаев. — Чунки янги экилган ҳар қандай дарахт кўчати боғбон меҳрига ташна бўлади. Айниқса, мевали ниҳоллар ўта нозик бўлиб, улар ўз вақтида суғорилиши, атрофлари чопилиб, юмшатилиши, бегона ўтлардан тозаланиб турилиши керак. Акс ҳолда, мева ниҳоллари қаровсизликдан қуриб қолиши мумкин. Шамсиддин Умаров, Аҳмаджон Расулов, Толибжон Омонов, Шукриддин Умаров, Авазбек Абдураҳимов каби боғбонларимиз бу борада ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Жумладан, улар кўчат ораларига турли хил сабзавотлар экиб, мўл ҳосил олишаётир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ЕНГИЛЛИКЛАР

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШГА АСОС БЎЛМОҚДА

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, уларга қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилаётгани ўз самарасини кўрсатмоқда.**

Қарши шаҳридаги "Автотрактор радиатор" қўшма корхонаси қишлоқ хўжалик техникалари учун радиатор ишлаб чиқаради. Ушбу корхонада маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқарилгани учун жорий йилнинг иккинчи чорагида ягона солиқ тўловидан 17122,6 минг сўм имтиёзга эга бўлинди. Иқтисод қилинган маблағ эса корхона фаолиятини янада кенгайтиришга сарфланди. Шунингдек, "Ал-Саид", "Саид Мирзо Улуғбек", "Қарши радиатор", "Косон олтин қум" ҳамда "Чироқчи кварц" корхоналари ҳам солиқ имтиёзлари эвазига замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, янги иш ўринлари яратилди. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Унга мувофиқ Қашқадарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 3125 та корхона ва ташкилотлар ҳисобида жами 167 миллиард сўм имтиёзли маблағ жамғарилди. Айни пайтда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган "Cotton roud" қўшма корхонаси, "Шўртангазкимё" шўъба корхонаси, "Технополимер" ҳамда "Bonu cosmitics" МЧЖ ишлаб чиқариш корхоналари ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорларга имконият, имтиёз ва енгилликлар бериш ушбу соҳани янада ривожлантиришга асос бўлмоқда.

**Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# ЎҚУВЧИЛАР УЧУН СИФАТЛИ СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ

***Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида амалга оширилган "Сут – мактаблар учун" лойиҳаси бўйича якуний анжуман бўлиб ўтди.***



Унда сенаторлар, депутатлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, шифокорлар, ўқитувчилар, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов ва бошқалар мамлакатимизда болалар саломатлигини муҳофазалаш, уларни баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш масалалари доимий эътиборда эканини таъкидлади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар ҳажми янада ортмоқда. Хусусан, аҳолини фортификатланган ун, йодланган туз билан, айниқса, болаларнинг сифатли овқатланишини таъминлаш, микронутриентлар етишмовчилигининг олдини олиш юзасидан соғломлаштириш лойиҳалари, ижтимоий акциялар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Сут – мактаблар учун» лойиҳаси шулар жумласидандир. Лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги 44-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари ультрапастеризацияланган сут билан таъминланди. Уларнинг саломатлиги шифокорлар томонидан кузатиб ва таҳлил қилиб борилди. Натижада болаларнинг ўсиши, ривожланиши, улар организмидаги моддалар алмашинуви яхшилангани кузатилди. Лойиҳа доирасида мутахассислар, шифокорлар, педагоглар, ота-оналар иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид туркум анжуманлар ўтказилди.

– Сут кимёвий таркиби бўйича инсон қонига энг яқин бўлган фойдали маҳсулотдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг овқатланиш гигиенаси бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори А.Худойберганов. – Шу боис, мунтазам сут истеъмол қилиш болаларнинг саломатлиги, фанларни ўзлаштириши, физиологик, психологик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, бошланғич синфлардаги болалар истеъмол қиладиган сутнинг сифатли, ишончли, экологик тоза ва хавфсиз бўлиши жуда муҳимдир.

Анжуманда «Сут – мактаблар учун» лойиҳаси қамровини янада кенгайтиришга оид амалий таклиф ва режалар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**




## Qishloq Qurilish Bank

Ҳурматли юртдошлар!
Очиқ акциядорлик тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк» Сизларни 1октябрь — **ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ** билан самимий қутлайди ва қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**
**"Мустаҳкам оила-3"** — муддати 3-9 ой
**"Олтин куз"** — муддати 1-3 ой
**"Мезон"** — муддати 6 ой
**"Фаровонлик"** — муддати 12 ой

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**
**"Фортуна"** — муддати 3 -12 ой

*Ҳисобланган фоизлар ойма-ой тўлаб берилади.*

**Сизнинг омонатларингиз:**
*— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
*— маълумотларни сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
*— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
*— миқдори чекланмаган.*

**Ахборот маркази телефонлари:**
**(+99871) 150-39-93, 150-93-39**
**www.qqb.uz**

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

*Хизматлар лицензияланган*


Куз неъматлари

# ...МАРЖОН-МАРЖОН ДЎЛАНА

**Дўлана. Мевалар ичида нафақат хушхўрлиги, балки шифобахшлиги билан ҳам ажралиб туради. Абу Али Ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобининг содда дорилар хусусиятига бағишланган бобида дўланага баҳо бериб, "унинг мевалари сариқ ва қизил рангли бўлиб, буруштурувчандир, буруштириш таъсири жийданикидан кучлидир, сафрони сўндиради ва ични тўхтатади" деб ёзади. Ҳозирги замон табобатида ҳам дўлананинг меваси ва гули юрак-қонтомир касалликларининг олдини олишда, даволашда ҳамда асабни тинчлантирувчи, қон босимини пасайтирувчи дори сифатида ишлатилади.**



Ўзбекистонда дўлананинг 10 тури бўлиб, ёввойи ҳолда тоғли туманларда, тоғларнинг пастки қисмидаги ҳосилдор ерларда, майда шағалли – тупроқли ҳосилдор, қуруқ шағалли ва тошли тоғ бағирларида, ўрмонларда, ўрмон четларида, дарёлар бўйида ўсади.

Дўлана апрель – июнь ойларида гуллайди, меваси август – сентябрь ойларида пишади. Овқатга етилган, яхши пишган меваси қуритилмаган ҳолда ишлатилади ва истеъмол қилинади. Мевасидан шарбат, муроббо, жем ва бошқалар тайёрланади. Қуриган мевасини майдалаб, унга қўшиб нон ёпилади.

Мевасининг таркибида 11 – 15 фоиз қанд, олма ва бошқа органик кислоталар, С витамин, каротин, бўёқ, минерал, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Дўлананинг меваси ва гули тинчлантирувчи таъсирга эга. У табобатда ич кетганда тўхтатувчи дори сифатида ҳамда иштаҳа очиш учун ишлатилади. Илмий тиббиётда ҳам дўлананинг меваси ва гулидан тайёрланган дорилар ишлатилади. Тиконли ва Олтой дўланалари мевасининг суюқ экстракти ҳамда гулидан тайёрланган тиндирмаси илмий тиббиётда юрак ва гипертония касаллигининг бошланиш даврини даволаш учун қўлланилади. Бундан ташқари, суюқ экстракт ва тиндирмаси аёлларда климакс даврининг бошланишида ишлатилади.

Дўлананинг суюқ экстракти юрак касалликларини даволашда қўлланиладиган кардиовалин комплекс доривор препарати таркибига киради.

**Акмал СОАТОВ,**
**доришунос.**







**Субъект естественной монополии СП ООО "TIM MELAMIN DEKOR" сообщает о декларировании цен на оказание услуг по хранению грузов в таможенном режиме**

| № п/п | Наименование услуг | Единица измерения | Цена утверждённая органом ценового регулирования |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Хранению грузов в таможенном режиме | тонна в сутки | 178, 4 |
| 2 | Погрузка-разгрузка грузов в таможенном режиме погрузчиком | тонна в сутки | 4619,1 |

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вил. Чиноз т. бўлими суриштирувчиси Азизжон Акмалович Имомов номига 09.11.2011 й.да берилган 1242-ДБЎ-серияли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "AVESTA TRUST", зарегистрированное ИРСП хокимията Юнусабадского р-на г. Ташкента (03.08.2005 г., реестр № 001330-10), расположенное по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-он ул. А.Темура д. 25, прекращает ликвидационное производство и возобновляет деятельность (решение учредителя №7 от 27.09.2012 г.).

ООО "BAHOR TICARET" (ИНН 302315870), расположенное по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Широк д. 104-а, сообщает об уменьшении уставного фонда с 50 миллионов сум до 15 миллионнов сум. Тел.: 248-80-80.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Кулбоев Комил Кобилович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MALIKA MOBILE BIZNES" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вил. Зангиота т. хўжалик ҳисобидаги "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" хизмати томонидан жисмоний шахс Жўраев Омон Хожиахматович номига Тошкент вил. Зангиота т. "Чиғатой Оқтепа" ҚФЙ манзилида жойлашган молхона биноси учун берилган TV № 007995 сонли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянные кадастровые документы квартиры, расположенной по адресу: Карасу-1 д. 33 кв-ра 46 (Согласно договору купли-продажи от 30.09.1994 г. за № 1-6017) зарегистрированных в БТИ М.Улугбекского р-на за № 99-40686 на имя Матчонова Анварбека Алимбаевича, считать недействительными.

ООО "PHARMHEALTH" (ИНН 204589532), зарегистрированное ИРСП Юнусабадского р-на г. Ташкента (свидетельство № 001218 от 25.06.2003 г.), сообщает об уменьшении Уставного фонда с 2 727 109 145 сум до 2 468 319 316 сум.

Тошкент ш. Олмазор (собиқ С.Раҳимов) т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SAM GROUP TECHNOLOGY" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SAM GROUP TECHNOLOGY" МЧЖга ўзгартирилади.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский район М.Черданцева-1 д. 7 кв. 24 выданный БТИ М.Улугбекского района на имя Мухитдиновой Юлдуз Батыровны, считать недействительным.


**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-28-04, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 728-09-78; **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар –** 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** С.СОЛИЕВА
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.40 15803 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | **Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | **E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4